



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ҲАМКОРЛИГИ

Брюсселга "Ўзбекистон – Европа иттифоқи" ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги ййилишида иштирок этиш учун келган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов жорий йилнинг 17 июль кунини халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича ЕИ Комиссиясининг Бош директори раҳбари Стефано Мансервиси ва Европа Ташқи ҳаракат хизматининг бош котиби Хельго Шмид билан кўришди.

Бу 14 июль кунини Тошкентда бўлиб ўтган учрашувнинг давоми бўлиб, унда томонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бўлган интилишларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари муҳокама этилди.

Музокараларнинг якунида Абдулазиз Комилов ва Стефано Мансервиси Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида "Боғдорчиликни ривожлантириш" лойиҳасини амалга оширишга қаратилган Молиявий битим имзоладилар.

Ҳужжат имзоланган пайдан бошлаб кучга киради. Унга кўра, Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги ҳузуридаги Илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мустаҳкамлаш учун 21,5 миллион евро миқдорида грант маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳайъатининг Брюсселдаги сафари давомида Европа туристик агентликлар ва туроператорлар ассоциацияси ва Бельгиянинг Bandua Communications Unipressoal LDA компанияси билан икки томонлама музокаралар ўтказилди.

Музокаралар нихоясида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Европа туристик агентликлар ва туроператорлар ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик бўйича Меморандум ҳамда Bandua Communications Unipressoal LDA компанияси билан Ўзбекистон миллий туристик салоҳиятини TV5 Monde каналда намойиш этиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Европалик вакиллар "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда келишилган шартномалардан қониқиб ҳосил қилганликларини ва уларнинг муваффақиятли амалга ошиши учун умид билдирилди.

Мишель де Блюст, Европа туристик агентликлар ва туроператорлар ассоциацияси бош котиби:

– Ассоциациямизнинг президенти ва аъзолари номидан Ўзбекистон Давлат туризми қўмитаси билан имзоланган битим билан табриклайман. Бу жуда муҳим ҳужжат, Европада нафақат кириш, шунингдек, бугун ташқи чиқиш туризми ҳам ошиб бормоқда. Шу муносабат билан Европадан Ўзбекистонга ва терс йўналишда катта сайёҳлик имконияти мавжуд. Шу кунга қадар бу соҳадаги кўрсаткичлар юқори бўлмаса-да, келажак йилларда бу аҳолининг сезиларли даражада ошишига ишонамиз.

Хар йили Тошкентда халқаро туристик ярмарка ўтказилиши жуда муҳим ҳодиса. Ассоциациямиз аъзолари билан ҳамкорликда ушбу тадбирни тарғиб қилиб, Европа туроператорларини ушбу йўналишнинг тараққиётига қизиқтиришимиз мумкин, деб ўйлайман. Бу эса европалар ва Ўзбекистонлик шерикларнинг ушбу соҳадаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг илк босқичи бўлади.

Кейинги босқич – бу ўша битимнинг ижроси. Бунинг натижасида эса, менимча, Ўзбекистон европаларнинг саёҳат учун янада устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Бу жараён, албатта, нафақат Ўзбекистон, балки Европада турли тадбирлар, шу жумладан фестиваллар ва ярмаркалар ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунинг оқибатида эса Европадан Ўзбекистонга туристлар сонининг кўпайишига олиб келади, табиийки, бу икки томон манфаатларига хизмат қилади.

Антонио Бускардини, Bandua Communications Unipressoal LDA медиа-компанияси директори:

– Бир қатор кўрсатувларни суратга олишга доир Ўзбекистон давлат туризми қўмитаси билан битим имзоланди. Бир неча ой аввал мамлакатинингнинг Бельгиядаги элчихонаси ушбу ташаббус билан мурожаат этган эди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Нозима Аҳмаджонова Тошкент дизайн касб-ҳунар коллежини тамомлаб, тикувчилик цехи ташкил этган. Ўзи каби бир гуруҳ қизлар ишлайдиган ушбу цехда тайёрланган либосларнинг бозори чаққон. Сабаби, бу кийимлар миллий ва замонавий анъаналарни ўзида уйғунлаштирган.



2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ТАДБИРКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ АМАЛИЙ РАҒБАТ

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилган "Ўзбекистонда молия секторини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси Нозима сингари қўллаб қизларнинг ўз тадбиркорлигини бошлашида муҳим пойдевор бўлмоқда.

Мазкур лойиҳа сарҳисобига бағишланган анжуманга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, банк-молия идораларининг мутасаддилари, экспертлар, тадбиркор хотин-қизлар таклиф этилди.

Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди ва юртимиздаги бир қатор банк тузилмалари билан биргаликда ҳаётга татбиқ этилган "Ўзбекистонда молия секторини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, фаолиятини энди бошлаган тадбиркорларга бизнесни юритиш бўйича яқиндан кўмаклашишдан иборат.

2012 йилда бошланган лойиҳа доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилиб, бизнес-тренирлар тайёрланди. Аёллар учун микрокредитлар ажратилиб, юртимиз ва хорижлик экспертлар иштирокида молиявий саводхонлиқни ошириш юзасидан семинар-тренинглар ташкил этилди. Коллеж ўқувчиларининг тадбиркорлик кўникмасини юксалтириш бўйича туркум машғулотлар ўтказилди. Ишбилармонлик маданиятини ошириш юзасидан туркум қўлланмалар чоп этилиб, тарқатилди. Амалга оширилган ишлар натижасида қўллаб аёллар кредит билан таъминланиб, ўз бизнесини йўлга қўйишга

муваффақ бўлди. Бунинг самарасида қўллаб янги иш ўринлари яратилди.

– Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлиги ишбилармонлиқнинг энг яхши йўналиши сифатида ўзини намойён этди, – дейди ЎЗА муҳбирига Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фондининг департамент директори Маттиас Фосс. – Хотин-қизлар зийраклиги, масъулият ва ишончни чуқур ҳис этиши, мақсад сари қатъий интилиши билан бизнесда яхши натижаларга эришмоқда. Ўзбекистонда аёлларнинг фарзандли бўлиши жараёнида иш жойи, меҳнатга оид имтиёзлари тўлиқ сақланиб қолиши менда ғоят катта таассурот қолдирди. Лойиҳанинг муваффақиятли якунлангани мамлакатингизда тадбиркорлик соҳасидаги кенг имкониятлар, ёшлар, аёллар манфаати йўлидаги рағбат ва эътиборнинг амалий самарасидир.

– Лойиҳа доирасидаги бизнес машғулотлар тўғрарак тарзида олиб борилиб, уларга коллеж ўқувчилари билан бирга, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, шунингдек, уюлмаган ёшлар ҳам кенг жалб этилди, – дейди Сирдарё вилоятидаги Мирзаобод хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Малоҳат Мавлонова. – Бу эса қўллаб ёшларнинг ўз тадбиркорлиги ишини бошлаши учун дастлабки старт вазифасини ўтади.

Тадбир якунида лойиҳа натижалари давомийлигини таъминлаш бўйича режалар ишлаб чиқилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида ёш авлод ҳаёти, келажаги билан боғлиқ долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, касб-ҳунар коллежларидаги таълим сифати, битирувчилар ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келадигани таъкидланди.

"Юртимизда ишсизларнинг аксарият қисмини коллеж битирувчилари ташкил этмоқда. Масалан, 2016 йили 477 минг 743 нафар ёш йигит-қиз коллежларни битириб чиққан ва уларнинг 438 минг 503 нафари ёки 91,8 фоизи иш билан таъминлангани тўғрисида маълумот берилган.

Савол туғилади: бу рақамлар қанчалик тўғри? Агар барча коллеж битирувчилари ишга жойлашадиган бўлса, ишсиз ёшлар қардан пайдо бўляпти?", деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун барча шароит яратилган. Мактаб; академик лицей ва касб-ҳунар коллежидан иборат 12 йиллик узлуксиз таълим йўлга қўйилган. Аммо кейинги йилларда коллежларни битираётган ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда бир қатор камчиликлар кузатилади. Бунинг асосий сабаби коллежлардаги касб-ҳунар

йўналишларининг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий имкониятларига мос эмаслиги билан боғлиқ.

Биргина мисол. Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри сўлим табиати, сайёҳлик, саноат ва ишлаб чиқариш имкониятлари билан машҳур. "Андижон кабель" заводи, "ЎзҚожи" қўшма корхонаси, текстиль-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 4 корхона фаолият юритмоқда. Шунга қарамайдан, шаҳарда мавжуд тўрт касб-ҳунар коллежидида фармацевтика, туризм ёки енгил саноат соҳаси бўйича ихтисосликлар ташкил этилмаган. Аксинча, Хонобод педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежидида мақсадсиз қабуллар амалга оширилган. Оқибатда 2016-2017 ўқув йилида таълим масканини тамомлаган 142 битирувчидан 28 нафари ишга жойлашган, холос.

Бу каби ҳолатни бошқа педагогика ёки табиий коллежлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Гулистонда мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири томонидан ёшларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, юртимиз улугъанган бадий юксак кўшиқлар яратишни рағбатлантириш, янги истеъдодларни кашф этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловда унинг куйи босқичларида ғолиб бўлган 26 иштирокчи ўз маҳоратини намойиш этди.

• Республика Маънавият тарғибот маркази Сурхондарё вилояти бўлими томонидан "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шiori остида "Ёш китобхонлар" учрашувлари ўтказилмоқда. Музработ, Ангор, Қизилқум, Бойсун ва Шеробод туманларида бўлган тарғиботчилар мустақиллик ҳудудлар қиёфасини, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини тубдан ўзгартириб, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидламоқда.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай тумани овуллари аҳолиси учун ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Жорий йил бошидан буён олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида 9,3 километр масофага қувур ётқизибли, "Бирлешик" овул фуқаролар йиғини ҳудудига тоза ичимлик суви келтирилди.

• Нукусда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамкорлигида "Отам, онам ва мен – спортчи оила" мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Аргентинанинг Сан-Карлос-де-Барилоче шаҳрига "Аср бўрони" деб номланган циклон хуруж қилди. Бинобарин, бу ерда ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, минус 25,4 даражага тушиб кетди. Бу ҳароратнинг расмий қайд этилиши бўлса, маҳаллий аҳолининг айтишича, аслида ҳарорат камида минус 29 даражага етган. Шаҳарчани жазирама ёз пайтида қалин қор қоплаган.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти буюртмасига кўра экспертлар томонидан тайёрланган ҳисоботда Сингапур ҳакерлар жумлаидан энг яхши ҳисобланган мамлакат эканлиги маълум бўлди. Ҳозирги кунга қадар Сингапурда ҳакерлар томонидан бирорта жиддий хужум амалга оширилмагани қайд этилган. Рўйхатда кейинги юқори ўринларни АҚШ, Эстония, Грузия, Маврикия ва Франция каби давлатлар эгаллаган.

• Ойга дастлабки парвоз қилинганига 48 йил тўлиши муносабати билан ушбу парвоздаги қатор буюм ва далилий ашёлар Нью-Йорк шаҳридаги машҳур "Сотби" ким ошди савдолари уйида аукционга қўйилди. Бугун бошланган ким ошди савдосидан астронавт Нил Армстронг томонидан самовий жисм тупроғидан намуна келтиришда фойдаланилган қўл сумкаси, скафандрлар, парвоз рамзи бўлган кучукчанинг ўйинчоқ нусхаси ва бошқа буюмлар ўрин олган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан соҳадаги ишлар тубдан такомиллашмоқда. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Бугун аҳолининг кенг қатламида мазкур ташкилот фаолиятига қизиқишнинг инноватча олиб, ЎзА мухбири **Мажбурий ижро бюроси директори Ботир ҚУДРАТХУЖАЕВ** билан суҳбатлашди.

– **Ботир Бахромович, Мажбурий ижро бюросини ташкил этиш зарурати ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

– Электр энергияси ва табиий газ қўлдан турмушда ишлатиладиган энг зарур неъматлар ҳисобланади. Гарчи бу борада Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланса-да, бироқ бу бизга қимматбаҳо, қайта тикланмайдиган ресурсларга ҳужасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бериб қўймайди. Бу ноёб бойликларда болаларимиз, келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳаққи борлигини доимо ёдда тутишимиз зарур. Шу боис улардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш ҳамда фойдаланилган энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мақсада мувофиқ.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи қайд этилган фармони соҳада ечимини кутаётган айрим муаммоларни бартараф этиш борада ўз вақтида ташланган муҳим қадам бўлди. Шу асосда ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз риоя этиш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишининг таъсирчан механизми яратилди.

Боиси мазкур соҳада тўланиб қолган жиҳдий камчилик ва муаммолар энергия ресурслари бўйича дебитор қарздорликни кескин камайтиришга ва электр энергетика ва газ тармоқларини янада ривожлантириш, ижро иши юритиш самарадорлигини оширишга имкон бермаган.

Тўлов интизомининг ёмонлашуви, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва газдан оқилона фойдаланмаслик учун шартлоллар яратишга соҳада фаолият юритган масъул шахслар “хисса” қўшган. “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси тизимида кўп сонли назоратчи штат бирликлари мавжуд бўлишига қарамастан, улар вазибаларини лозим даражада бажармаган. Аксинча, улар томонидан пул маблағларини талон-тарож қилиш, ҳисобга олиш ускуналарининг қўрсаткичларини ўзгартириш ҳолатларига оммавий тарзда йўл қўйилган (2016 йил ва жорий йилнинг 1 чорагида мингдан зиёд ходим судданланган, етказилган зарар миқдори – 43,3 миллион сўмни ташкил этган).

Мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги, энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш мuddатларининг кечиктириб юборилганлиги етказиб берилган ва истеъмол қилинган энергия ҳажмлари ҳисоби юритилишининг ҳаққонийлигини таъминлашга ҳамда ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишга ўта салбий таъсир қўрсатган.

Пул маблағларини электр ва газ таъминоти бўйича эскирган инфратузилмани модернизация қилишга йўналтириш мақсада мувофиқ бўлган бир вақтда асоссиз равишда назоратчи штат бирликлари сақланган. (Назоратчиларнинг ойлик иш ҳақлари учун йилга 161,8 миллион сўм сарфланган).

Бу борада фаолият юритган Адлия вазирилик ҳузуридаги Суд департаменти тегишли органлар билан маълумот алмашиш ва ижро жараёнини назорат қилиш бўйича ҳамкорлик механизмининг жорий этмаганлиги тўғрисида ижро ҳужжатларининг ҳаққоний ва очиқ ҳисоби юритилмаган.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда соҳани тубдан такомиллаштиришга зарурат пайдо бўлди. Электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизминини янада такомиллаштириш, тўлов инти-

зомини мустаҳкамлаш, жавобгарликни кучайтириш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

– **Бюрога қандай вазифалар юкланган ва улар амалда қандай таъминланмоқда?**

– Бюронинг асосий вазифалари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритишдан иборат. Шу билан бирга, Бюро ижро иши юритишда сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш, энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлади.

Истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилиши таъминланади. Энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари,

сўмлик) ижро ҳужжати мажбурий ижрога қаратилмаганлиги аниқланди.

– **Назорат тадбирлари давомида кўпроқ қандай қонунбузарликлар аниқланмоқда?**

– Энергия ресурслари билан боғлиқ барча ҳолатларни тизимли ўрганиш давомида (фармон қабул қилингандан кейинги 40 кунда) 432 қонунбузарлик аниқланди. Улар юзасидан 67 жиноят иши, 365 маъмурий иш қўзғатилди.

Назорат тадбирлари давомида асосий эътибор электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчи корхоналарнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қараган, ваколатини суиистеъмол қилган мансабдор шахслари фаолиятига қаратилмоқда. Уларнинг дебиторлик қарздорлигини қисқартириш бўйича лозим даражада чора кўрмай қилган масъулиятсизлигига қўнуний баҳо берилди. Чунки ўтган даврда улар томонидан бу борада 44,8 миллиард сўм қарздорлик вужудга келишига йўл қўйилган. (Бунинг 40,4 миллиард сўми электр энергияси бўйича, қолгани табиий газ бўйича). Бундай ҳолатлар бўйича 12 жиноят иши қўзғатилди.

Фармон ва ижро

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИДА ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАДИ

шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилиши, устидан мониторинг олиб борилади. Энергия ресурсларини сотиш ва истеъмолчи ҳисобини юритишда ишторик этади. Энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чоралари қўрилади. Комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади. Қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш билан бирга суриштирув ва тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилади.

Фармон асосида Адлия вазирилик ҳузурида фаолият юритган Суд департаментининг қўнун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Бюрога ўтказилди. Эндilikда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Бюронинг давлат ижро-чилари томонидан амалга оширилади.

Бюро томонидан ташкилий ва ҳуқуқий тадбирлардан иборат комплекс чоралар режаси ишлаб чиқилди. Шу асосда 29 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланмоқда. Амалга оширилаётган ташкилий чора-тадбирлар доирасида Марказий банк билан бирга электр энергияси ва газдан тушадиган маблағларни ҳамда суд ҳужжатлари юзасидан ундирувларнинг ягона банк ҳисобрақамларини очиш ишлари якунига етказилаётди.

Қўнунлиқ тушум “Ўзбекэнерго”, “Ўзтрансгаз” компаниялари маълумотларини банкдан олинган маълумотлар билан таққослаш орқали ўрганилмоқда. Худудларга Бош прокурор ўринбасарлари ҳамда масъул ходимлар бириктирилди. Ишларни ташкиллаштириш юзасидан Дастур ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Энергоресурслар ҳисоб-китобларининг электрон базаларига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида улардан қўчирмалар олинди. Уларнинг қўнуний юритилиши устидан қатъий назорат ўрнатилиш учун 423 нафар прокуратура ходими бириктирилди.

Энергоресурслардан ва суд ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг электрон базаси шакллантирилиб, таҳлил қилинмоқда. Электр энергиясидан қарздор бўлган 48 минг 376, табиий газдан қарздор бўлган 22 минг 146 истеъмолчи тармоқдан узилди.

Суд ижрочилари иш юритишдаги ижро ҳужжатлари билан бирга судларнинг 1991 йилдан ҳозирга қадар бўлган ижро ҳужжатлари хатловдан ўтказилмоқда. Хатлов натижасида факатгина 18 кун ичида судлар томонидан 48 минг 239 (41,7 миллиард

Мисол учун, Оқ олтин тумани электр тармоқлари корхонаси раҳбари олдиндан эллик фоиз тўловни тўламаган 186 юридик шахсга 286,6 миллион сўмлик электр энергияси етказиб берган. Бу йўналишда 888 миллион сўм қарздорлик вужудга келган бўлса ҳам, уни ундириш чораларини кўрмаган.

Энергия ресурсларини етказиб бериш соҳасида суиистеъмолчиликка йўл қўйилиши оқибатида сўнгий қарздорлик вужудга келтирилган. Аниқроқ айтганда, турли йўллар билан ишлатилган, базига қиритилган бундай қарздорликни “ёпиш” учун улар аҳолига тақсимланган. Мисол учун, “Юнусободтумангаз” ва “Шайхонтохуртумангаз” корхоналари масъул шахслари газ истеъмоли бўйича белгиланган тартибда ҳисоб-китоб ва назорат ишларини етарли даражада амалга оширмагани тўғрисида 3,4 миллиард сўм қарздорлик вужудга келган. Бу борадаги камомадани қоплаш учун улар бу суммани аҳолига “юклаган”.

Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг Чимбой филиали масъул шахслари ўзлари учун жиноий схема ишлаб чиққан. Унга кўра, юзага келган 1 миллиард сўм қарздорлик 118 фуқарога “тақсимланган”. Уларни ундириш бўйича тегишли даъволар қўзғатилган. Лекин ижро ҳужжатлари ижроси таъминланмаган.

Бу соҳада йўл қўйилган жиноий хати-ҳаракатларнинг айримларини таъмағирлик, порахўрлик ҳамда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўланган маблағларни талон-тарож қилиш қабилар ташкил этган. Алоҳида қайд этиш кераки, бундай жиноятларнинг асосий қисми энергия ресурслари учун тўловларни ундиришга масъул бўлган назоратчилар томонидан амалга оширилган. Бу йўналишда 40 жиноят иши қўзғатилган бўлса, шундан 18 жиноий иш 20 назоратчи (электр бўйича – 5, газ бўйича – 15) тааллуқли. 13 ҳолатда қарздорликни йўқотиб бериш учун истеъмолчилардан ноқонуний равишда пул олинган. Масалан, “Бухоротумангаз” филиали назоратчилардан бири икки миҳоздан 4,6 миллион сўм бўлган қарзларини “қоплаб” бериш учун 400 АҚШ доллари ва 2 миллион сўм олган. Уларга тўлов тўлангани ҳақида ноқонуний ҳужжат берган.

Мирзаобод тумани электр тармоқлари корхонаси ходимларидан бири 1,2 миллион сўмлик қарзни “ёпиш” эвазига истеъмолчилардан 700 минг сўм олган. Текшириш давомида бу шахс ана шундай йўл билан 417 ноқонуний ҳолатга йўл қўйган ва давлатга 31,3 миллион сўм зарар етказгани маълум бўлди.

Яшнобод тумани электр тармоқлари корхонаси ходимларидан бири қарздорликни сўнгий равишда камай-

тириб бериш эвазига истеъмолчилардан 200 АҚШ доллари олаётган пайтда қўлга олинди.

Хоразм ҳудудий электр тармоқлари корхонаси бош ҳисобчиси ўз жамоадорлари билан тил бириктириб, “Эл-сус” корхонасига қиймати 1,1 миллиард сўмлик трансформаторни 754,8 миллион сўмга пуллаган. Оқибатда давлатга 331,2 миллион сўм зарар келтирилган. Минг афсуски, бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Назорат тадбирлари давомида энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилгани маълум бўлди. Бу борада электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланган 15 ҳолат аниқланди. Мисол учун, чинозлик У.Абдуллаев ўз уйида яширин 159 квадрат метрли музлатгич ташкил этган ва уни ишлатиш учун электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган. Натижада 290,3 миллион сўм зиён келтирган.

Қосонсой тумани “Сувоқова” корхонаси масъул шахслари насосларни ишлатиш учун электр энергиясидан икки йил давомида ноқонуний фойдаланган ва етказган зарари 223 миллион сўмни ташкил этган.

Бундай ноқонуний ҳолатларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш ишлари изчил давом эттириляётди.

– **Тўлов интизомини мустаҳкамлаш борасида қандай ишларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайсиз?**

– Ўзганинг ҳақиқа хиянат қилишни халқимиз азалдан катта гуноҳ, деб билади. Энергия ресурслари ҳақи ҳам аслида тўланиши шарт бўлган қарз.

Унга хиянат қилиш бировга эмас, ўзимизга хиянат қилиш билан баробар. Ахир ресурслар туганмас эмас. Уни ишлатганда ўрнини тўлдирини ҳам ўйлашимиз керак. Шу маънода аҳолининг бу борадаги тушунчасини ўзгартириш, тўлов маданиятини юксалтириш – долзарб вазифа. Ушбу мақсадга қаратилган тарбия-ташвиқот ишлари янада кучайтирилиши зарур.

Юртдошларимиз унутмаслиги кераки, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб истеъмолчилар – жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10 санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Муддатга ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда, истеъмолчи – жисмоний шахслар белгиланган тартибда электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан мажбурий узилади.

Келгусида истеъмолчиларга энергия ресурсларини етказиб бериш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда истеъмолчиларга нисбатан электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

Электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда истеъмолчи – жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдоридан, юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан тўлов қайта улашнинг амалга оширган ташкилот ҳисоби-га маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Истеъмолчи энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Етказиб берилган энергия ресурслари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни ходим – истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юборилади.

Бир сўз билан айтганда, эндиликда назорат қилиш ва ҳисобга олиш, қарздорликни ундириш тизими тубдан такомиллашади. Энергия ресурсларини етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш тартиби мустаҳкамланади. Электр энергияси ва табиий газ истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ускуналари тақсимлаш жойларида – маҳаллаларда ўрнатилди. Замонавий электрон тўлов тизимлари жорий этилади. Электр энергияси ва газ учун қарздорликни, шунингдек, амалга оширилган тўловларни реал вақт режимида қузатиб бориш имконини берувчи ягона биллинг тизими яратилади.

Бу каби чора-тадбирлар соҳада қўнунийлик тўлиқ таъминланганига замин яратди. Истеъмолчиларнинг электр энергияси ва табиий газ бўйича тўловлардан бўйин товлашига йўл қўйилмайди.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ҲАМКОРЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Саккиз йил давомида “Самолётга миниш” (“Посадка на самолет”) кўрсатувини тайёрлаймиз, унда маданий мерос, пазандачилик, шунингдек, мамлакатларнинг жаҳон таракқиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳикоялар бериб борилади. Ўзбекистон тўғрисидаги кўрсатувларни Тошкент билан танишишдан бошлашни режалаштирмоқдамиз. Кейин машҳур Самарқанд шаҳрига йўл оламиз. Бу ерда эса шаҳарнинг Буюк Ипак йўлига таъсири, шунингдек, ҳукуматнинг бу афсонавий шаҳарнинг туристик йўналишдаги брендини юксалтириш бўйича амалга ошираётган чораларига оид далиллар топишга ҳаракат қиламиз.

Бухорода эса виночилик анъаналари билан танишамиз. Бу режаларни шу йил амалга оширишни режалаштирмоқдамиз. Келажак йилларда Европа томошабинларини республиканинг бошқа шаҳарлари билан таништириш мақсадида Ўзбекистон туризм давлат қўмитаси билан ҳамкорликни давом эттирамиз. Ўйлайманки, бу катта резонанс олиб келади, чунки бизнинг дастурларнинг 21 миллион томошабини бор.

“Жаҳон” АА,
Брюссель

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумотларга қараганда, жорий йилда тиббиёт коллежларини тамомлаган 96 фоиз битирувчининг бандлиги таъминланган бўлса-да, уларнинг 41 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган.

Меҳнат муносабатидида мувозанат, кадрлар тақсимотидаги мутаносиблик мамлакатимиз иқтисод ва ижтимоий секторини малакали кадрлар билан таъминлаш, юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш, барқарор ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини беради. Бу, аввало, бугуннинг ҳаракатлантирувчи кучи – ёшлар бандлигига эришиш, реал талаб ва тақлиф асосида иш ўринлари яратишни тақозо этади.

Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги Қарори иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларнинг ишчи кучи ва касб ихтисосликлари бўлган реал талабни инобатга олган ҳолда, 9-синф битирувчиларини аниқ касб ва ихтисослик бўйича ўқишга қабул қилишни назарда тутиши билан аҳамиятли.

– Қарорга мувофиқ, меҳнат бозоридида ишчи кучи бўлган талаб ва тақлифни танқидий таҳлил қилиш асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари қайта ихтисослаштирилмоқда, – дейди Сурхондарё вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси етакчи мутахассиси Шодмон Бозоров. – Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосида яратиладиган янги иш ўринлари қайта таҳлил қилинди. Натижада 29 касб-хунар коллежиди 27 касб бўйича кадрлар тайёрлаш тўхатилди, 62 касб-хунар коллежиди 47 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишар экан, биринчи галда ёшларни иш билан таъминлаш, бу борада янги имкониятлар яратиш, улар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Бу жойларда мақсадли, аниқ пайтда, саноатнинг янги ва истиқболли йўналишларини ташкил этиш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга ҳизмат қилади.

Пойтахтимизнинг Учтепа миллий хунармандлик касб-хунар коллежиди ёғоч ўймакорлиги устаси, бадий миллий либослар моделлари, кашта бўйича уста, ошпаз, заргарлик бўйича уста йўналишида 580 дан зиёд ёш таҳсил олади. Тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ўқувчилар учун амалиёт ўташ, касб маҳоратини ошириш ва мустаҳкамлаш имконини бераётди. Бироқ бугунги кунда юртимизда заргарлик соҳаси саноат миқёсида эмас, балки аънавий хунармандлик сифатида ривожланмоқда. Бу коллежда заргарлик йўналишида таҳсил олаётган ёшларнинг амалиёт ўташи ва ишга жойлашишида бирмунча қийинчиликлар туғдираётган эди.

– Давлатимиз раҳбарининг Чилонзор туманига ташрифи давомида 20 дан ортқ иқтисодий лойиҳалар тақдимоти ўтказилди, – дейди Учтепа миллий хунармандлик касб-хунар коллежи директори Ҳасан Йўлдошев. – Қиймати 10 миллион сўм бўлган “1-Заргарлик корхонаси” лойиҳаси улардан бири. Йилига 13 миллион сўмлик заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш имкониятига эга корхонада 100 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бу коллежимизда таҳсил олаётган ўқувчилар учун ишлаб чиқариш жараёнида ишторик этиш ва қулай иш ўрни қаролатилади.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 11 йиллик таълим йўлга қўйилаётгани соҳадаги улкан янгилик бўлди. Бу ташаббусни ёшлар, ота-оналар, бутун жамоатчилигимиз кенг қўллаб-қувватламоқда. Энди ёшлар ўқишни қаерда давом эттиришни ўзи танлайди. Бу уларнинг давомати, фанларни ўзлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзлари хоҳлаган мутахассисликни эгаллаган ёшлар ишини, ҳаётда ўз ўрнини топади.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА

Бугунги кунда рақамли телекўрсатувлар мамлакатимизда частота ресурсларидан самарали фойдаланиб, битта анъанавий телеканал ўрнига бир қанча рақамли телеканалларни шакллантириш ва узатиш имконини бермоқда. Ер усти рақамли эфир телевидениеси – бу кўп дастурли телевидение хизматларини тақдим этиш, теледастурларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, қўшимча интерактив хизматларни кўрсатиш демакдир.

Юртимизда бу борадаги амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга доир саволларимизга Тошкент радиотелевизион узатиш маркази директори Ҳамидулла Холмухамедовдан батафсил жавоб олишга ҳаракат қилдик.

— Ҳамидулла ака, мамлакатимизда рақамли телевидениега қачон тўлиқ ўтилади? Худудларнинг рақамли телевидение дастурлари билан қамраб олиш даражаси қандай кечмоқда?

— Биринчи Президентимиз томонидан 2012 йил 17 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтишга доир Давлат дастури тўғрисида”ги Қароридан соҳаданги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, рақамли телевидениега икки босқичда ўтиш режалаштирилган эди. Биринчи босқичда 2015-2016 йилларда Республикаимизнинг вилоят марказлари ва аҳоли кўп ҳудудларда 90 та юқори қувватли рақамли телеузелаткичлар ўрнатиш кўзда тутилган. Уларнинг ёрдамида аҳолининг 98 фоизи рақамли телевидение билан таъминланди.

Иккинчи босқичда узоқ ва аҳоли кам ҳудудларда кам қувватли узаткичлар ўрнатилади. Бунда сунъий йўлдош хизматларига мурожаат қилинади. Иккинчи босқичнинг аяқуллини натижасида яқин орада аҳолининг 100 фоизи рақамли телевидение билан таъминланади.

Юртимизда босқичма-босқич рақамли телевидениега ўтилмоқда. “Ўзбекистон Республикаси ер усти рақамли телевидение тармоғини ривожлантириш” инвестиция лойиҳасига мувофиқ, 2016-2017 йилларда Республикаимизнинг вилоят марказлари ва йирик шаҳарларида DVB-T2 стандартдаги юқори қувватли рақамли телеузелаткичлар ҳамда тоғли ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида кам қувватли рақамли телеузелаткичлар ўрнатиш ва мамлакатимиз аҳолисини тўлиқ рақамли телевидение сигналлари билан қамраб олиш режалаштирилган.

— Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти худудлари бўйича қилинган ишлар ва режалар хусусида тўхталиб ўтсангиз?

— Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича Тошкент телеминорасида Япониянинг “NEC” компаниясида ишлаб чиқарилган DVB-T стандартдаги 4 та рақамли ТВ узаткичлари ўрнатирилган бўлиб, ҳозирда шаҳар аҳолисини рақамли телевидение сигналлари билан тўлиқ қамраб олган. Бундан ташқари 2013 ва 2016 йилларда Тошкент телеминорасида янги DVB-T2 стандартдаги 2 та рақамли ТВ узат-

ледастурлари эфирга узатилиши таъминланди. 2017 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Ангрен ва Бекобод РТСларида ҳам янги DVB-T2 стандартдаги рақамли телеузелаткичлар ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Натижада ўтган йилнинг биринчи январь ҳолатига келиб, рақамли ТВ сигналларининг қамров ҳудуди Тошкент шаҳри бўйича 100 фоизни, Тошкент вилояти бўйича 98 фоизни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари 2016-2017 йилларда Тошкент вилояти Бўстонлиқ ва

Шаҳрим – фаҳрим

ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

кичлар ишга туширилиб, тест синови тарикасида теледастурлар эфирга узатилиши таъминланди. Натижада бугунги кунга келиб, пойтахтимиз аҳолисини учун Тошкент телеминорасида ўрнатирилган 6 та рақамли телеузелаткичлар орқали очик тўплам таркибида ўн саккизта давлат ва нодавлат ҳамда ёпиқ тўплам таркибида 44 та хорижий телерадиодастурларини эфирга узатиш таъминланди.

Тошкент ҳамда Сирдарё вилояти аҳолисини учун 4 та рақамли ТВ узаткичлар ўрнатирилиб, очик тўплам таркибида 12 та давлат теледастурлари эфирга тарқатилиши таъминланган. 2016-2017 йиллар давомида Тошкент ва Сирдарё вилоятлари аҳолисини учун Чорбоғ, Шоугаз, Ангрен, Гулистон ва Паркент туманидаги Қуёшли станцияларида жами 8 та DVB-T2 стандартдаги рақамли телеузелаткичлар ўрнатилиши режалаштирилиб, шундан 2016 йил декабрь ва 2017 йил январь ойларида Чорбоғ, Шоугаз ва Паркент туманидаги Қуёшли станцияларида 5 та телеузелаткичлар ўрнатилади ва бу орқали очик тўплам таркибида барча давлат ва нодавлат те-

Оҳангарон туманларининг тоғли худудларидаги бориш қийин бўлган 25 та аҳоли пунктларида кам қувватли рақамли телевидение узаткичлар комплекси ўрнатилиши режалаштирилган. Бунда республикаимизнинг тоғли худудларида жойлашган РТСлари телесигнал билан таъминлаш ерининг сунъий йўлдош орқали ташкиллаштирилади. Ушбу телеузелаткичлар ўрнатилиши натижасида 2017 йилнинг охирига қадар Тошкент вилоятининг барча аҳоли худудлари 100 фоиз рақамли телевидение билан таъминланади.

— Ҳамидулла ака, сўнгги вақтларда DVB-T ва DVB-T2 стандарт деган сўзлар тез-тез гапирилмоқда ва фойдаланилмоқда, шу ҳақда ҳам маълумот бериб ўтсангиз?

— DVB-T стандартда 12 та теледастурларни узатиш мумкин. DVB-T2 стандартда эса узатиладиган каналлар сонини 16-18 тагача етказиш мумкин. Инвестиция лойиҳалари асосида юртимизда DVB-T2 стандартдаги рақамли телеузелаткичлар ўрнатишмоқда. DVB-T стандартдаги ра-



қамли сигналларни қабул қилишга мослаштирилган телевизор ва тюнер қурилмалари DVB-T2 стандартда узатилаётган теледастурларни қабул қила олмайдди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз худудларида узатилаётган нодавлат “Milliy TV”, “Uzreport TV”, “Zo’rTV”, “MY5” каби телеканаллар дастурлари DVB-T2 стандартда узатилмоқда. Келгусида ишга тушириладиган янги телеканаллар ҳам DVB-T2 стандартда узатиб берилади.

— Келгусидаги истиқболли режалар қандай?

— Мустақиллик байрамига қадар юртимизнинг барча худудлари рақамли телевидение билан тўлиқ таъминланиши ва шундан сўнг, худудлардаги аналог форматдаги телеузелаткичларни 2017 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб босқичма-босқич ўчирилиши режалаштирилганлигини мамнуният билан маълум қиламиз. Шу боис ҳамюртларимиздан фақатгина DVB-T2 стандартда ишловчи тюнер ёки замонавий телевизорларни харид қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумот сифатида “Радиоэшиттириш ва телевидение йўналишида жисмоний ва юридик шахслар томонидан тушадиган ариза, шикоят ёки тақлифларни қабул қилиш учун Тошкент радиотелевизион марказида 24 соат давомида хизмат кўрсатувчи радиоэшиттириш ва телевидение йўналишида хизмат кўрсатувчи телефон рақамлари ташкил этилган. Аҳоли исталган пайтда ишонч телефонларида қўнғирок қилиб, рақамли телевидение хизматлари бўйича саволлар, шикоят ва тақлифлар беришлари мумкин.

Гулчехра ДУРДИЕВА
суҳбатлашди

ЮРТИМИЗ МЎҶИЗАЛАРИ ЛОНДОНДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан ўтказиладиган анъанавий ёзги қабул маросими бу йил ўзгача шаклда ва руҳда ўтди. Жорий йил мазкур тадбир “Seven Wonders of Uzbekistan” (“Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси”) мавзусига бағишланиб, унда ўлкаимизнинг маданият, сайёҳлик ва албатта, пазандалик соҳаларидаги улкан салоҳиятининг ёрқин қирралари тақдим этилди.

Ўз вақтида Буюк Британия Кириллик адабиёт жамияти Самарқандни замонавий дунё мўъжизалари рўйхатига киритган эди. Республикаимизнинг Лондондаги дипломатия ваколатхонаси, Британия – Ўзбекистон жамияти, “Dinara&Co” ноширлик уйи томонидан ташкил этилган ушбу тадбир қатнашчиларни серкўёш ўлкаимизнинг мўъжизалари билан таништирди.

Қайд этиш жоизки, маҳаллий доиралар тақдиротга ниҳоятда катта қизиқиш билдирдилар. Тақлиф этилган икки юздан ортиқ меҳмонлар орасида Британия парламенти аъзолари, дипломатлар, вазирлик, идоралар ва сайёҳлик ташкилотлари вакиллари, санъат ва маданият арбоблари, таниқли қалам аҳлини кўриш мумкин эди. Кечанинг тантанали очилиш маросимида Британиянинг мамлакатимиздаги элчиси Кристофер Аллан, Британия – Ўзбекистон жамияти раиси Ширин Акинер ва ундан олдин ушбу лавозимда ишлаган Британия ташқи ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Хартли Бут сўзга чиқдилар.

Машҳур ўзбек ошпази Баҳриддин Чустийдан пазандалик шоуси дастурининг энг муҳим қисми бўлди. Меҳмонларни лолу хайрон қолдирган шоуда ошпаз битта қозонда етти хил таом тайёрлаб, бир вақтнинг ўзига миллий таомлар тақдироти ва маҳорат дарсини намойиш этди. Палов, дўлма, манти, кабоб, бедана-кабоб, туҳум дўлма ва бўлғори дўлма сингари таомларни тотиб кўрган британияликларнинг хайрати чексиз эди.

Тадбир доирасида “Welcome to Uzbekistan” руқнидан “365 кун таровати” китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. “Dinara&Co” ноширлик уйи томонидан “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти кўмағида чоп этилган ушбу китоб ўзбек ошхонаси санъатига янги қарашни акс эттириб, у юртимизнинг турли худудларига ҳос бўлган пазандалик урф-одатлари ва анъаналари, овқатлар тайёрлаш усуллари ҳақида ҳикоя қилади. Нашрни босмага тайёрлаш учун ижодий жамоа, шу жумладан, пазанда Баҳриддин Чустий ва сураткаш Андрей Аракельяновлар ярим йил давомида республикаимизнинг барча минтақаларига бориб, ўз ишининг усталари билан суҳбатлар ўтказганлар.

Кеча давомида янги “Visit Uzbekistan” журналининг биринчи сонининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Янги журналнинг мақсади халқаро жамоатчилик ва Ўзбекистон меҳмонларини ўлкаимизнинг сармоявий, маданий ва сайёҳлик салоҳияти билан таништиришдир. Нашр саҳифаларида давлатимиз ва жамиятимизнинг турли жабҳаларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, халқимизнинг бой мероси, бетакрор санъати, миллий таомлари тўғрисидаги мақолалар чоп этилади. Шунингдек, сайёҳлик йўналишлари, хариталар, бўлажак тадбирлар, шопинг бўйича маслаҳатлар, махсус акциялар юзасидан маълумотлар ҳам жой олади.

Муслик дастур давомида эса жонли ижро ва ёрқин рақслар намойиш этилди. Лондондаги элчихонамиз тадбирларининг доимий иштирокчилари Сардор Мирзахўжаев ва Рашид Шадат томонидан ижро этилган концерт дастури меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Серқирра тадбир доирасида мамлакатимизни бориб кўришга иштиёқманд бўлганлар учун “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси томонидан Лондон – Тошкент – Лондон йўналиши бўйича икки авиачипта лотерея ютуғи ўйналди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз маданий мероси ва сайёҳлик салоҳияти тақдироти Лондон ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, ўлкаимиз миллий брендининг туманли Альбионда янада оммалашуви ҳам ҳисса қўшиди. Тадбир натижасида иштирокчилар Британия – Ўзбекистон жамиятига аъзо бўлиш, Ўзбекистон тарихи, маданияти ва замонавий тараққиёти ҳақида ҳар ой маърузалар ташкил этиш тўғрисидаги талаблари мазкур фикрни тасдиқлайди. Бу эса мамлакатимиз дўстлари доираси, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг кенгайиб бораётганини кўрсатади.

“Жаҳон” АА,
Лондон

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежини тамомлаган Талгат Бегалиев бироз муддат ишсиз қолди...

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Бектемир туманида ташкил этилган тадбир Талгат Бегалиев бир қанча уюшмаган ёшларга бу борада йўл-йўриқ кўрсатишда муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, туман ҳокимлиги, Бандлиги ва муҳтасаб муносабатлари вақирлигининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, ёш тадбиркорлар, уюшмаган ёшлар, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбиркорлик ва фермерликка қизиқиши, лаёқати бор ёшлар уста-шогирд анъанаси асосида тадбиркорлик субъектларига бириктирилиб, улар билан амалий мулоқотлар ташкил этилмоқда. Тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўш иш ўринлари аниқланиб, уларга ёшларни жалб қилиш масаласи кўриб чиқилаётир. Ҳозирга қадар 150 дан зиёд уюшмаган ёшлар ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга жойлашди.

Тадбир доирасида иштирокчилар “Интерсоқ” масъулияти чекланган жамияти ва “Gold Dried Fruits export” корхонаси иш фаолияти ва ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Корхона раҳбарлари билан мулоқот қилди. Ишчи гуруҳ томонидан ёшларга корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот берилди. Таклифларни маъқул топган ёшлар иш билан таъминланди. Талгат Бегалиев ҳам “Интерсоқ” масъулияти чекланган жамиятида оператор ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашди. Талгат ўзи қизиққан соҳада иш бошлаганидан мамнун.

Г. САТТОРОВА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг халқаро ҳамкорлиги мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИНСОНЛАРГА ЭЗГУЛИК УЛАШИБ...

Қизил Хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси президенти Т.Коное, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти раиси Х.Каримов ва бошқалар Ўзбекистонда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини муҳофазалаш, тиббий маданиятини янада юксалтириш, турли фавқулодда вазиятларда тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг халқаро алоқалари қўлами кенгайиб бораётганини таъкидлади. Бугун жамиятнинг ҳудудий ва темир йўл минтақавий ташкилотлари, 191 туман бўлинмалари ҳамда 2 ярим мингта бошланғич ташкилотларида 1 миллион 300 мингдан ортиқ аъзо ва 38 минг кўнгиллилар бор. “Меҳр-шафқат” хизматидаги 200 га яқин патронаж ҳамширалари ҳар йили уч ярим минг якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг тиббий-ижтимоий фаолиятини тарғиб қилиш, аҳолининг санитарияга оид билимларини юксалтириш, уларда биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмасини мустаҳкамлаш, юқумли касалликлар профилактикаси борасида тушунириш ишлари олиб бориш, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишларидаги фаолиятини ижобий баҳоламоқда. Жамият “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилда 2 мингдан ортиқ кекса отахон ва онахонларни патронаж хизмати билан қамраб олмоқда. Бу мақсадлар учун 123 миллион сўм сарфланади. Бундан ташқари, амбулатор шaroитда даволанаётган 4 мингдан ортиқ қариялар ва ногиронлар 100 миллион сўмлик дори-дармон воситалари билан таъминланади.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти 1995 йилда Қизил Хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси аъзолигига қабул қилинган.

Моҳигул КОСИМОВА

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 21-23, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 21 июлда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Спорт янгиликлари

ХУСНИДДИН ВА
ДОНИЁР ЖАҲОНДА
ТЕНГСИЗ

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтаётган енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасидаги жаҳон чемпионатини спортчиларимиз галаба билан бошлади.

Мусобақанинг диск отиш баҳсларида юртдошимиз Хусниддин Норбеков 54,73 метрлик натижа кўрсатиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва мазкур йўналишда иккинчи мартаба жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди. У 2015 йили Катарада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам биринчи ўринни эгаллаган эди. Чемпионатнинг узунликка сакраш баҳсларида яна бир тажрибали атлетимиз Дониёр Солиев 7,18 метрлик натижага эришиб, олтин медалга сазовор бўлди. Унинг кўрсаткичи Осиёнинг янги рекорди сифатида қайд этилди.

**Б.АЙТУРДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ**



ЯНГИ ҚОИДАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан футбол ҳакамлари иштирокида уюштирилган семинарда мамлакатимиз вакиллари ҳам қатнашди.

Қўғамизнинг 40 нафардан ортиқ энг иқтидорли реферилари иштирок этган халқаро семинарда ҳамюртимиз Фарҳод Абдуллаев инструкторлик қилди.

Футбол баҳси давомида дарвоза ортида ҳаракатланувчи ҳакамлар учун ташкил этилган халқаро семинарда жарима майдончасида юзага келади-

ган баҳсли ҳолатларда дарвоза ортидаги ҳакам бош ҳакамга қай тарзда кўмаклашиши ҳақидаги тавсиялар муҳокама қилинди. Ўзбекистонда дарвоза ортидаги ҳакамлар иштирокидаги баҳс биринчи марта жорий йилнинг апрель ойида ўтказилган мамлакат биринчилигидаги биринчи лига жамоалари "НБУ-Осиё" — "Зомин" ўртаси-

даги 3-тур баҳсида синаб кўрилган.

Хуллас, Малайзияда уюштирилган халқаро семинар мамлакатимиздан қатнашган Равшан Эрматов, Валентин Коваленко, Абдухамидulloҳ Расулов, Жаҳонгир Саидов ва Илғиз Танташевларга катта янгиликларни туҳфа этди.

АКБАР ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида Тошкент транспорт прокуратураси билан ҳамкорликда божхона органларида коррупция ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда бошқарма шахсий таркиби, ёш ходимларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Т.Ревапов коррупция ҳар қандай давлат, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий тараққиётига зарар етказувчи, давлатнинг конституциявий асосларини емирувчи, демократик институтлар ва қонун устуворлигини заифлаштирувчи, ижтимоий ҳаёт барқарорлигига таҳдид солувчи ижтимоий хавфли ҳодиса эканлигини таъкидлаб ўтди.

Коррупция нафақат бир давлатда, балки ер юзидagi барча давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир етказувчи иллатлардан бири эканлигини қайд этиш жоиз. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш шароитида коррупция каби салбий ижтимоий воқеанинг олдини олиш ва унга қарши курашиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир давлатнинг қонунчилигида порахўрлик ижтимоий хавфли жиҳат сифатида қораланади ва бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бунда у энг аввало, мамлакатнинг давлатчилик асосларига, унинг сиёсий ва иқтисодий ҳавфсизлигига путур етказиши. Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий адолат, ҳақиқат ва давлат органларига бўлган ишончини йўқотди.

— Коррупция ўзининг бутун мазмун-моҳияти билан жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини издан чиқариб, турли жиноятларга аралашиб қолишни кучайтиради, натижада ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва ривожланишига тўсқинлик қилади, — дейди Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси

Божхона органларининг ўз хавфсизлиги гуруҳи ходими И.Фуломов. — Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш шароитида коррупция каби салбий ижтимоий воқеанинг олдини олиш ва унга қарши кураш муҳим вазифалардан биридир. Қонунчилик, очиқлик, шаффофлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, тизимлилик ва бошқа бир қатор сифатлар коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси

КОРРУПЦИЯ ИЛЛАТЛАРИГА
ҚАРШИ КУРАШИЛМОҚДА

божхона тизими ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ички бозорини ҳимоя қилувчи, давлат хазинасини тўлдирувчи ҳамда бошқа бир қатор муҳим давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажарувчи ҳуқуқий муҳофаза қилувчи давлат органи ҳисобланади. Божхона ходимлари томонидан порахўрлик, коррупцияга йўл қўйилиши давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етказиб, фуқароларимизнинг божхона соҳасига бўлган ишончи пасайишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги ва "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунилари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги Қарори ҳамда Давлат божхона қўмитасининг алоҳида чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг таркибий тузилмалари томонидан ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари божхона постлари, қорхона ва ташкилотларда турли профилактик учрашувлар ўтказилмоқда. Ўтказилган давра суҳбати ҳам мазкур профилактик тадбирларнинг узвий давомидир.

Учрашув давомида божхона ходимларига ўз хизмат вазифасини масъулият билан бажариш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилмаслик, фуқаролар ва ташкилотларнинг фаолият қатнашчилари билан ҳушмуомалада бўлиш, божхона кўриги ва расмийлаштирувни ўтказишда амалдаги қонунларга қатъий риоя қилиш, порахўрлик ва таъмағирлик каби иллатларга йўл қўймаслик бўйича тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар бериб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси томонидан 2017 йилнинг 6 ойи мобайнида 70 га яқин профилактик учрашувлар, индивидуал тартибда профилактик тарбиявий ишлар ва суҳбатлар ўтказилган. Бунга божхона ходимларининг ота-оналари ва оила аъзоларини ҳам жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида иштирок этган божхона ходимларининг ота-она ва оила аъзолари айтиб ўтилган ҳар бир танқидий фикрдан хулоса чиқариши, божхона тизимида

хизмат қилаётган фарзанди ёки турмуш ўртоғининг хатти-ҳаракатиغا бефарқ бўлмаслиги ҳақида эслатиб ўтилди.

Тадбир давомида коррупцияга қарши курашиш бўйича қилинаётган ишлар, олинган турган долзарб вазифалар, бу борада божхона ходимларининг масъулиятини ошириш масалалари ҳусусида фикр алмашилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида улуксиз фаолият юритувчи "Ишонч телефони" (120-76-71) орқали божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан хабар бериш мумкинлиги ҳақида эслатилди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Реклама ва эълонлар

ТАДБИРКОРЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

Тошкент туризм касб-хунар коллежи томонидан 2015 йилда Джараев Озодбек Фахриддин ўғли номига берилган К№4046357-сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС КОЛЛЕЖИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажы талаб этилади.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу аризани қўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — "Ерғодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали қилиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2004 йилда Артикова Умида Рустамовна номига берилган КН № 70250-сонли дипломи ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"101"

ЁНГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Болаларнинг шўхлиги оқибатида ёки сигаретани ўчирмай ташлаб кетилиши натижасида қўриб кетган майсалар ёниб, алангаси атрофга ўтиб кетиши билан жуда хавфлидир.

Қичкинагина сигарета қолдиғи туфайли бир неча дақиқаларда хонадон талафот қўриб, инсонлар эса жиддий жароҳат олса, бир умрга қайғули дарс бўлиб қолса керак.

Ёнгинлар сабаби кўпдир. Назоратсиз қолдирилган даямол, носоз телевизор ва кишиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида келиб чиқадиغان бошқа омилар катта мусибатларга олиб келади.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари хонадонингиз ҳеч қачон ёнгиндан талафот кўрмаслигини талаб қилади. Ёнгинни ўчиртишдан кўра, унинг олдини олган афзал, дейишди. Лекин афсуски, фуқароларимизнинг оловдан фойдаланиш қоидаларини тўлиқ билмасликлари ёки билиб туриб унга амал қилмасликлари оқибатида ҳамон ёнгинлар юз бермоқда.

**И.ШОДМОНХАДЖАЕВ,
ЁХБ смена бошлиғи, капитан**

Аҳоли турар-жойларида ёнгин хавфини келтириб чиқарувчи омиларнинг асосийси деб маст ҳолда сигарета чекиш, носоз электр ва газ мосламаларида фойдаланиш, болаларни назоратсиз қолдириш саналади.

Шу билан бирга ўқун текканда ёниб кетадиган — лак, бўёқ, синтетик қийимларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Кўп қўланиладиган кимёвий моддалар, қаучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишидан ташқари зарарли моддалар ажралиб чиқиши билан янада хавфли ҳисобланади.

Шундай экан, ҳар биримиз турар-жой, қорхона ва ташкилотларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни унутмайлик!

**С.УБАЙДУЛЛАЕВ,
маъмурий биноларни ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

Кундалик ҳаётимизни газ ва оловсиз тасаввур этиш қийин. У энг қулай ёқилғи сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ундан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ёнгин хавфсизлигини таъминлайди.

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, қўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камиди бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталарини ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гўгўрт билан ўйнашига бепарво қараши ёнгинни келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади. Ўқун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас.

Республикада ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳозирги ҳамда ўз қорхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнгин туфайли келадиغان одамларнинг ҳаётига, соғлиғига етказиладиган моддий зарарини олди олинади. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини юқори даражага етказиш ҳисобидан одамларнинг ҳаётини ва кундалик эҳтиёжи учун талаб қилинадиган жиҳозларни муҳофаза қилмоқ зарур.

**А.АЛМЕТОВ,
ЁХБ 24-ХЕХК кичик инспектори, сержант**

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Соғлиқни сақлаш вазирлиги Автохўжаликга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 31-уй манзилида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "Дамас" русумли давлат рақами 01/604RAA, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, бошланғич баҳоси — 13 264 678,17 сўм.
2. "Дамас" русумли, давлат рақами 01/902NDA, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, бошланғич баҳоси — 13 653 986,84 сўм.
3. "Эсперо" русумли, давлат рақами 01/987UBA, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, ранги кулранг, бошланғич баҳоси — 13 060 946,76 сўм.
4. "Газ-31029" русумли, давлат рақами 01/338SAA, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, ранги кулранг, бошланғич баҳоси — 9 533 567,65 сўм.
5. "Уаз-31029" русумли, давлат рақами 01/987WBA, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, ранги песочный, бошланғич баҳоси — 10 025 821,91 сўм.

Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, 6-мавзе ССВ автохўжалиги автобўлимида сақланаётган, 6."Фиат Темпра" русумли, давлат рақами 01/381ACA, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, ранги қора, бошланғич баҳоси — 12 590 681,47 сўм.

7."Зил-431610" русумли, давлат рақами 01/983WBA, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, ранги кулранг, бошланғич баҳоси — 16 801 157,50 сўм.

8. "Дамас" русумли, давлат рақами 01/549GAA, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, бошланғич баҳоси — 12 840 195,67 сўм.

Савдо голиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси 2017 йил 18 август куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 16 август куни соат 18:00. Юқоридаги автотранспорт воситалари 18 август куни сотилмаган тақдирда унинг такорорий савдоси 2017 йил 28 август, 7, 18 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такорорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2017 йил 28 август учун 25 август, 7 сентябрь учун 5 сентябрь, 18 сентябрь учун 15 сентябрь кунлари соат 18:00.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, йиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошланғич баҳоси 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АЙТЕ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-ракам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 735

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма таъбоқ, офсет усулида босилади.
5233 нусхада босилди.
Қозғолганлиги А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 13.15